Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 4 (7144). ● 5 январь, 1980 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

110

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТЕХНИКА КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ШАЙ БЎЛСИН

ДАЛАЛАР қиш уйқусида. Ором олаяпти. Янги ҳосилга куч тўплаяпти. Лекин ҳамиша мард, фидокор, ғолиб бўлиб келган деҳқонлар эса айни дамларда ҳам тиним билмайдилар. Бу табиий, албатта. Ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш лозим. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан бу йил ҳам баракали хирмон кўтариш учун кўклам экишига пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ариқ-зовурлар суви равон қилиб оқадиган қилиб тозаланмоқда. Кўплаб маҳаллий ўғит тўпланиб, далага ташиб чиқарилаётир.

Баҳордаги жўшқинлик, ёздаги фидойилик, куздаги жонбозлик трактор паркларига, устахоналарга кўчгандек. Ишнинг кўзини билган деҳқонлар мавжуд техникани созлаб қўймоқдалар. Зотан бугунги қишлоқ хўжалигимизнинг, деҳқончилигимизнинг муваффақиятини техникасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Қудратли техника ҳар соҳада, ҳар бир мушкул ишда деҳқонга ҳамкор, мададкор бўлмоқда. Унинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Буни областимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширган, маҳоратлари, тажрибалари, билимларини тўла ишга солиб, мавжуд техникадан усталик билан фойдаланган деҳқонларимиз ўтган йили ғоят қийин келган шароитда ҳам пахтадан мўл-ҳосил етиштирдилар. Табиий офатни чекинтирдилар. Далаларимизда 2880 та терим машинаси ишлади. Улар 280 та терим транспорт отрядига уюшган эди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 127 тоннадан «оқ олтин» терилди. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан ортиғи машиналар билан териб олинди.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейдилар. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириш, 1980 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш чақириғига лаббай, деб жавоб берган илғор колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари бу йил янада юксак марраларни эгаллашга бел боғладилар. Шу мақсадда техникани ҳозирданоқ кўкламга шай қилиб қўйиш учун қурашмоқдалар.

Бу жиҳатдан Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз тажрибаси ибратлидир. Хўжаликда ҳар йили ҳам техникадан моҳирлик билан фойдаланадилар. Мавсумга пухта созлаб, асраб-авайлаб ишлатдилар. Ўтган йили бу хўжалик 4,6 минг тонна пахта етиштирди. Пландан ташқари 600 тонна дурдона сотилди. Омилкорликнинг, техниканинг шарофати бу!

Охунбобоевликлар бу йил ҳам техникани кўкламга барвақт тайёрлаб қўйиш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Улар 1980 йилги баҳорги дала ишларига техникани тайёрлаш юзасидан белгиларган тадбирлар область партия комитети томонидан маъқулланди.

Охунбобоевликлар белгилаган тадбирларнинг моҳияти нимадан иборат! Бу ерда иш бригада усулида ташкил этилган. Айни кунларда хўжаликдаги олтита ремонт бригадасида тажрибали механизаторлар, ремонтчилар қизғин иш олиб бормоқдалар. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт воситалари ремонтининг сифатини назорат қилиб борувчи махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Унинг составида колхознинг етакчи мутахассислари, халқ контроли, комсомол, касаба союзлари, бригадаларнинг вакиллари бор. Улар графикларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиб борадилар.

Ремонтдан чиқарилган ҳар бир агрегатга ремонт сифати гарантия талони берилади. Ғалаба районидаги «Ленинград», Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди», Бўка районидаги «Коммунизм», Оққўрғон районидаги кўпгина хўжаликларда ҳам техника ремонти бригада усулида ташкил этилганлиги туфайли яхши натижаларга эришилмоқда.

Лекин техникага муносабат, ремонт ишлари ҳамма ерда ҳам юксак даражада ташкил этилган, деб бўлмайди. Айрим колхоз ва совхозларда пахта териш, кўсак чувиш машиналари, ер ҳайдашда фойдаланилган трактор ва бошқа агрегатлар қандай ишлатилган бўлса, шундайлигича қолиб кетган. Ўз-ўзидан маълумки бундай хўжаликларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари қай даражада ремонтга муҳтожлиги, улар учун қайси хилдаги запас қисмлар зарурлиги ҳақида тўла маълумотга эга эмаслар.

Техника — деҳқон таянчи. У колхозчи ва совхоз ишчисининг, жамоатчиликнинг мулки, пешона тери эвазига сотиб олинган иш қуроли. Шунинг учун ҳам машиналарга техник қаров ва техника хизматини яхши йўлга қўйиш—ҳар бир қишлоқ хўжалик меҳнаткаши, мутахассисларнинг бурчидир. Афсуски, баъзи ҳолларда машиналардан фойдаланиш, сақлаш қоидаларига тўла риоя қилинмайди. Оқибатда баъзи машиналар барвақт ишдан чиқиб қолади. Ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўйилади. Бу ҳол, албатта, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг қимматлашиб кетишига олиб келади.

Бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди. Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари, «Госкомсельхозтехника» область бўлимлари ва уларнинг районлардаги ташкилотлари техника ремонтини тез ва соз ўтказишда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари лозим.

Колхоз ва совхозларда ремонт юзасидан белгиланган графикларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш керак. Ана шу мақсадда трактор парклари, ремонт устахоналаридаги аҳволни айни кунларда яна бир бор синчиклаб текшириш-дан ўтказиш талаб этилади. Ремонтчиларнинг сифатли ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериш лозим. Техника ремонтига доимий ремонтчилар, слесарлар, токарлар билан бирга бевосита механизаторларнинг ўзини ҳам кенг жалб этиш керак. Илғор хўжаликлар худди ана шундай қилмоқдалар. Бунинг фойдаси катта. Чунки механизатор ўз агрегатининг имкониятини яхши билади. Ремонтчилар билан бамаслаҳат иш олиб бориб, ўзига бириктирилган машинани тезроқ тиклаш ва сифатли ремонтдан чиқариш учун ҳаракат қилади.

Устахоналарда ҳам ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш — меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Мусобақа ғолибларни аниқланганда ремонт суръати ва сифатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Оққўрғонликлар тажрибаси бу жиҳатдан ибратлидир: барча трактор парклари ремонт устахоналари мавсумга намунали тайёрланди. Дам олиш хоналари бор. Ремонтчи-механизаторлар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Медицина ва савдо хизмати яхши йўлга қўйилган. Ремонт бригадалари ўртасидаги мусобақага ҳар беш кунда, хўжаликлар ўртасидаги мусобақага эса ҳар ўн кунда якун ясалмоқда.

Уничи беш йилликнинг сўнгги зарбдор йилига қадам қўйдик. Саноат, қурилиш корхоналарида бўлганидек қишлоқ хўжалигида ҳам ижодий меҳнат авжида. Ўтган йили Она-Ватанга 470 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» ҳадя этган, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритган пахтакорлар, сабзавоткорлар, лубкорлар, соҳибкорлар ва бошқа касб эгалари бу йил ҳам янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бу марралар, олинган план ва социалистик мажбуриятлар реал ва бажарилиши мумкин бўлган вазифалардир.

Энг муҳими—бурчга садоқат билан муносабатда бўлиш, мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, кўклам экиш кампанияси намунали ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун эса энг биринчи навбатда техникани пухта созлаб қўйиш лозим.

24 ФЕВРАЛЬ— СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари бошланди

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари юксак сиёсий активлик вазиятида бошланди.

Кенгашларнинг қатнашчилари — жамоат ташкилотларининг, меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари ленинчи Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этмоқдалар. Улар совет халқи КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашдаги куч-ғайратларини кўпайтиришга астойдил аҳд қилганлигини, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор иш, ленинча иш йилига айлантиришга интилаётганлигини билдирмоқдалар.

Округ кенгашларида коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг муносиб намояндалари — иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органлари депутатларига номзодлар астойдил қўллаб-қувватланмоқдалар.

Москвадаги **Бауман** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг 3 январь куни бўлиб ўтган сайловолди кенгаши совет кишилари ленинчи Коммунистик партия теварагига метиндек жипслашганлигини кўрсатувчи тўлқинлантирувчи намойишга айланиб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, бир қанча министрлик ва идораларнинг масъул ходимлари, Бауман район партия комитетининг секретарлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, социалистик мусобақа илғорлари минбарга чиқадилар.

Кенгашни КПСС Бауман район комитетининг биринчи секретари С. А. Купреев очди.

В. Д. Калмиков номли ҳисоб-аналитик машиналар заводи радио аппаратларининг созловчиси С. Ф. Юдачев минбарга чиқади.

— Корхонамиз коллективи,—деди у,—ўзининг йиғилишида Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни пойтахтдаги Бауман сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига якдиллик ва ғоят баланд руҳ билан номзод қилиб кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари бу сўзларни узоқ давом эттан гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

— Совет кишиларининг Леонид Ильич Брежневга меҳр-муҳаббати ва ҳурмати чексиздир, — деб давом қилди нотиқ. — У Ленин барҳаёт ишининг давомчиси сифатида Ватанимиз меҳнаткашларининг, ер юзидаги барча тараққийпарвар кучларнинг буюк ишончига сазовор бўлди.

Нотиқ ўртоқ Л. И. Брежневнинг қаёт йўли тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Нотиқ Леонид Ильич Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ фронтда бўлиб, тўла ғалабагача жанг қилганлигини эслатиб ўтганидан кейин қуйидагиларни таъкидлади: истеъдодли ҳарбий бошлиқ ва сиёсий ходим бўлган ўртоқ Л. И. Брежнев масъулиятли ҳарбий операцияларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этди, шахсий мардлиги ва довюраклиги билан солдатлар ва командирларга ўрнак кўрсатди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев уруш вайрон этган халқ хўжалигини тиклаш ишига қатта ҳисса қўшди. Халқимиз қўрқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги муваффақиятларга, улкан ғалла учун олиб борилган жангдаги ғалабага кўп жиҳатдан Л. И. Брежневнинг тинимсиз ғайратшижоати, ташаббускорлиги, ташкилотчилик таланти туфайли эришганлигини яхши биламиз.

Леонид Ильич Брежнев кўп йиллардан буён КПСС ленинчи Марказий Комитетига раҳбарлик қилиб келмоқда, Совет давлатининг бошлиғидир, КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиб амалга оширишга буюк ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз келгуси ўн йилликлар мобайнида эришган муваффақиятларда унинг роли ғоят каттадир.

У мамлакат Мудофаа Кенгашининг Раиси сифатида Совет давлатининг мудофаа қобилиятини ошириш соҳасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Аммо урушни бошидан кечирган, у кишиларга қандай қулфатлар келтиришини кўрган ҳар бир совет киши каби Леонид Ильич учун ҳам тинчлик учун кураш — бош вазифадир; у ўзининг бутун эҳтиросини ва ғоят саҳоватли қалб кучини, ўзининг сиёсат ва давлат арбобига хос бутун заковатини ана шу курашга бағишламоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин ҳаёти, кўп қиррали собиқдам фаолияти социалистик Ватанимизга фидокорона хизмат қилиш намунасидир. Биз уни депутатликка номзод қилиб кўрсатиб, деди нотиқ, айни вақтда совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганлиги учун Леонид Ильичга сидқидилдан миннатдорчилигимизни, жонажон Коммунистик партиянинг доно, узоқни кўра биладиган сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаб, батамом маъқуллаётганлигимизни изҳор этамиз.

С. Ф. Юдачев кенгаш қатнашчиларига завод коллективи номидан мурожаат этиб, ўртоқ Л. И. Брежнев пойтахтнинг Бауман сайлов округидан Россия Федерацияси давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилишини қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Кенгашда Москвадаги химия машинасозлиги институтининг ректори Н. И. Басов, автотрактор электр аппаратлари заводининг йиғувчи слесари Н. П. Гуськова, нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги партия комитетининг секретари В. Г. Нагаев, 346-ўрта мактаб ўқитувчиси Г. А. Мацнева, ВЛКСМ Бауман район комитетининг биринчи секретари В. А. Поспелов сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси РСФСР Олий Совети депутатлигига ўртоқ Л. И. Брежнев номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифни астойдил қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш қатнашчилари **Леонид Ильич Брежнев**га мурожаат қилиб, ундан Москва Бауман сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилдилар.

Пойтахтдаги **Калинин** сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайловолди кенгаши тантанали вазиятда ўтди. Москвадаги «Серп и молот» металлургия заводи термик печларини руда билан тўлдиручи илғор ишчи Ю. А. Лимоновга сўз берилади.

— Заводимиз коллективи, — деди у, — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбоби, улуғ Ленин ишининг давомчиси Леонид Ильич Брежневни РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатди.

Кенгаш аҳли бу хабарни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди.

— Леонид Ильич, — деб давом қилди нотиқ, — кишиларни бирлаштирэ олиб, уларнинг тажрибаси ва билимларига таяниб, бутун кучни коммунистик қурилишнинг ҳаётий муҳим вазифаларини ҳал этишга сафарбар этиш қобилиятига эгадир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ватанимизнинг қудратини, унинг мудофаа қобилиятини ошириши, совет кишиларининг фаровонлигини ўстириши таъминлаётган ғоят зўр ишларни амалга оширмоқда. Биз, ишчилар, Леонид Ильични давлат арбобига хос ғоят донишманд, беғиҳоя ишчан ва битмас-тугаймас ғайрат-шижоатли киши деб биламиз.

Нотиқ сўнгра электр фасонли қуюв цехининг пўлат эритувчиси В. И. Коптев ҳам Калинин сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилганлигини маълум қилди ва йиғилиш аҳлини кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Клара Цеткин номли тажриба-техника фабрикаси партия комитетининг секретари Т. С. Долоберидзе, «Манометр» бирлашмасининг бош директори А. Г. Полубояринов, Войтович номли вагон ремонти заводининг моделчиси А. С. Горшков ва бошқалар ана шу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар мамлакатимиз КПСС, Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кенгаш иштирокчилари **Леонид Ильич Брежнев** билан **Вячеслав Иванович Коптев**га мурожаат қилиб, Калинин сайлов округидан РСФСР Олий Советига овозга қўйилишга розилик беришларини илтимос қилдилар.

Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари сайловчиларни иккинчи соат заводи, «Большевик» кондитер фабрикаси меҳнатчилари ва бошқа коллективлар ўтказган сайловолди йиғилишларининг Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қабул қилган қарорларини қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

«Большевик» фабрикасининг ишчиси М. Е. Раздина Совет кишилари Алексей Николаевич Косигиннинг таланти ташкилотчи ва раҳбар, деб биладилар, деди. Партия унга ишониб топширган барча лавозимларда у бутун кучи ва давлат ҳамда партия ишидаги ғоят бой тажрибасини коммунистик қурилиш ишига хизмат қилишга, партиянинг халқ хўжалигини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг осойишталиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг бахт-саодати ва равнақи тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат йўлини амалга оширишга сарфламоқда.

Ильич номли локомотив депосининг машинисти Н. П. Талапов, Москва бош архитектура — планлаштириш бошқармаси партия комитетининг секретари Ю. И. Кузнецов, автомобиль-йўл институти кафедраси мудири М. П. Чеснокова ва бошқалар РСФСР Олий Совети депутатлигига А. Н. Косигин номзод этиб кўрсатилганлигини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш иштирокчилари Фрунзе сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни илтимос қилиб, **Алексей Николаевич Косигин**га мурожаат этдилар.

ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 228-Деҳқонобод сайлов округи меҳнаткашлар коллективлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши юксак кўтаринкилик вазиятида ўтди.

— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневни совхозимиз коллективи ўзининг биринчи номзоди қилиб кўрсатди, — деди «СССР 50 йиллиги» совхози партия комитетининг секретари Ш. Чориев. — Биз Леонид Ильични содиқ ленинчи сифатида биламиз. Партия, халқ манфаатлари унинг учун ҳамма нарсадан юқоридир. Л. И. Брежнев ҳамиша ва ҳамма соҳада юксак масъулият ва принципиаллик намунасини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда қўриқ ерларни ўзлаштириш ташкилотчилари орасида бўлган, қишлоқ меҳнатчиларининг эҳтиёжларини ҳамиша ҳис этиб тушунадиган, одамларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётган кишини давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш биз, чўлқуварлар учун айниқса ёқимлидир. Леонид Ильич пахтачиликни янада ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Партия XXV съезди қарорлари асосида Қарши даштида пахта етиштириш юзасидан барпо этилаётган катта зона кўз ўнгимизда яшнаб турган ўлкага айланмоқда.

Совхозимиз коллективи, деди сўнгра нотиқ, «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони Амирали Эшбоевни ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди. У уч чақириқ область Советининг депутати, меҳрибон мураббий, кўпгина фойдали ишларнинг ташаббускори сифатида ўзини кўрсатди. Ўтган йили А. Эшбоев давлатга 702 та қорақўл тери топширди, отардаги қўйларни икки баравар кўпайтирди.

«Деҳқонобод» совхозининг директори Г. Қўшоқов, «Ленинизм» совхозининг сут соғувчиси З. Каримова, район касалхонасининг медицина ҳамшираси С. Мардонова, район маиший комбинатининг тикувчиси Х. Қорақулова ва бошқалар сўзга чиқиб, таклиф этилган номзодларни астойдил қўллаб-қувватладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида кўрсатилган йўл-йўриқларни амалга ошириш соҳасида меҳнаткашлар коллективлари бажарилаётган ишлар ҳақида, КПСС билан Совет давлатининг доно ички ва ташқи сиёсатини меҳнаткашлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Қўриқ ерларнинг минглаб меҳнатчилари, деб таъкидланди кенгашда, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига ошириладиган мажбуриятлар олдилар.

Округ кенгашининг қатнашчилари **Леонид Ильич Брежнев**га ва **Амирали Эшбоев**га мурожаат қилиб, 228-Деҳқонобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришларини илтимос қилдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 152-Пахтаобод сайлов округига кирган меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари Москва районидаги Охунбобоев номли колхознинг байрамона безатилган клубига тўпландилар. Район ижроия комитетининг раиси А. Раҳимов округ сайловолди кенгашини очиб, қуйидагиларни таъкидлади: округ меҳнаткашлари, шунингдек бутун Москва район меҳнаткашлари сайловолди кампаниясини КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, яқинлашиб келаётган байрам — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги туфайли вужудга келган зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик билан нишонламоқдалар.

Фрунзе номли колхоз раиси Б. Ҳасановга сўз берилади. У айтдики, хўжалик меҳнаткашлари ўзининг сайловолди йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни республика давлат ҳокимияти Олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

— Шароф Рашидович,—деб таъкидлайди нотиқ, — партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, чинакам интернационалистдир. У кўп йиллардан буён эгаллаб келаётган масъулиятли лавозимларда ўзининг ташкилотчилик истеъдодини, олижаноб шахсий фазилатларини намоён этмоқда. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда турмуш йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Масалан, бизнинг хўжалигимиз мустаҳкам иқтисодий базага, колхозчилар эса аъло даражадаги маиший шароитларга эга. Бугунги кунда республиканинг минг-минглаб деҳқонлари шаҳар шароитига яқин шароитларда яшамоқдалар. Бу — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг жанговар отряди — Ўзбекистон Компартияси совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганининг ёрқин мисолидир.

Навоий номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Муродов, ўрта Шаҳрихон қишлоқ Советининг раиси Т. Зойдбоева, Охунбобоев номли колхоз бригадири К. Манатов, Фрунзе номли колхоз болалар боғчасининг тарбиячиси Х. Каримова ва бошқалар Ш. Р. Рашидовнинг номзодини астойдил қўллаб-қувватладилар. Улар ўз коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга азму қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар.

Округ сайловолди кенгашининг қатнашчилари 152-Пахтаобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилишга розилик беришни илтимос сўраб, **Шароф Рашидович Рашидов**га мурожаат қилдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари янги 1980 йил бошланишини зарбдор меҳнат, юксак сиёсий активлик билан нишонламоқдалар. Меҳнат коллективлари республикада давом этаётган сайлов кампанияси вақтида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши намояндаларини Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлик л арини билдирмоқдалар, беш йилликнинг якунловчи йилида меҳнатда янги-янги муваффақиятларга эришишга аҳд қилганликлари тўғрисида гапирмоқдалар.

Бўстонлиқ районидаги «Қозогистон ССР 30 йиллиги» колхозининг аъзоси **Шарипа Аширметова** 83-Искандар сайлов округидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Владимир Викторович Окунский** 90-Димитров сайлов округидан, Ангрен ГРЭСининг электромонтёри **Тамара Павловна Дутова** 63-Энергетик сайлов округидан, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **Виктор Александрович Антонов** 101-Қибрай сайлов округидан, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ман-Гим Григорьевич Хван** 93-Бордонқўл сайлов округидан Тошкент области бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

* * *

Ўзбекистонда республика Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Пиғилиш иштирокчилари КПСС билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганлик л а р и н и, беш йилликни зарбдорларча якунлашга интилаётганликларини айтмоқдалар.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати **Мунаввар Исоқова**, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг бригадири **Турди Қосимова**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Тимофей Григорьевич Зинин**, Ўзбекистон қишин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси **Таисия Михайловна Головченко**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Геннадий Васильевич Архангельский**, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси **Вера Владимировна Локтева**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлми мудири **Ғулом Захриддинович Захриддинов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **Краснослав Петрович Дудин**, халқ депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси **Воҳид Охунович Козимов** Тошкент шаҳридан ва Тошкент областидан республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

* * *

Халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Янгийўл «Нормал» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи шу корхонанинг директори **Акбаржон Нажимович Каримов**ни 99-темирйўл сайлов округидан область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари ўзларининг сайловолди йиғилишларида хўжаликнинг сут соғувчиси **Қалампир Жахсибоевна Келесбоева**ни 164-Фрунзе сайлов округидан халқ депутатлари область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Оржоникидзе районидаги чорвачилик институти коллективининг сайловолди йиғилишида институт директори **Шавкат Акмалхонов** 264-Жамбул сайлов округидан область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтининг коллективи 400-Ғулбаҳор сайлов округидан шу институтнинг катта илмий ходими **Людмила Георгиевна Шуровани** область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Ғалақент тошни қайта ишлаш комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 137-Новгород сайлов округидан шу корхонанинг фрезерчиси **Омилхон Бузруковни** область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

МЕҲНАТ БИЛАН ЯРАТИЛУР БАХТ

БИР КОЛХОЗДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Шонли партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли қишлоқлар жамолн тубдан ўзгарди. Замонавий тураржойлар, равон кўчалар, маданият муассасалари, савдо масканлари, хиёбонлар... Уларнинг тобора шаҳар турсига кириб бораётганидан дарак бермоқда. Қишлоқ кишиларнинг турмуш маданиятн ҳам юксалди. Эндиликда радио, телевизор, китоб, газета ва журналларга эҳтиёж сезмаётган биронта дала меҳнаткашнн учратмайсиз. Буларнинг ҳаммаси қишлоқни шаҳарга тенглаштириш борасидаги партия сиёсатнинг изчил амалга оширилаётганлиги натижасидир.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз ўрин илгари фақат ботқоқлик ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Социалистик тузум яратган эркинлик, завқ-шавқ билан меҳнат қилиш, даъватқорлик руҳи туфайли бу жойлар бўстонга айланди. Колхоз фақат иқтисодий бақувват хўжаликка айланиб қолмай, у кишиларни маънавий тарбиялади. Бу катта онлада 26 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони камолга етди. Колхоз сардори Ким Пен Хва эса бу шарафли номга икки марта сазовор бўлди.

Бутун мамлакатимизга машҳур бўлган бу хўжаликнинг кўрки айниқса сайловлардан сайловларгача бўлган давр ичида яшнамоқда. Халқ юксак ишонч билдирган асл фарзандлар хўжаликнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти борасида чинакам жонкуярлик кўрсатмоқдалар. Улар колхозни ободонлаштириш, унинг ютуқларини мустаҳкамлашда ташаббускор бўлмоқдалар.

Колхоз аҳли шу кунларда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий советларга сайловларга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бу кампаниядаги оммавий-сиёсий ишлар баҳорги қизғин меҳнат мавсумига тараддуд билан ҳамоҳанг ҳолда олиб борилаётир. Қуйидаги саҳифада ана шу хўжалик кишиларининг эришган ютуқлари ва режалари ҳақида, колхоз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган совет турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Маматкарим МАМАТҲОЛИҚОВ,

Колхоз партия ташкилотнинг секретари, район Советининг депутати.

ХЎЖАЛИГИМИЗГА яқинда «Нью-йорк таймс» газетасининг ходими келди. АҚШлик меҳмон биз билан колхозимиз территориясини айланиб чиқди. Унга муҳташам маданият саройи, ресторан, равон кўчалар, клублар ва болалар муассасаларини кўрсатдик. Унинг истагига биноан хонадонларда бўлдик. Колхозда бир неча бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар, музика мактабининг филиали, ҳаттоки халқ театри мавжудлигини эшитиб, америкалик журналист айниқса ажабланди.

— Буларнинг ҳаммасига маблағни қаердан олаяпсилар? — қизиқсинди у.

Бизга бундай саволни чет эллик ва қардош социалистик мамлакатлардан келган меҳмонлар кўп беришади. Уларга колхозимиз тарихи, пахтачиликда эришаётган ютуқлари ва даромади ҳақида қиноя қилиш мен учун ҳам гоят мароқли.

Меҳнат ғалабаларимизнинг асосий қисми колхозимизни яшнатаётган инсон номи билан боғлиқ. Дарҳақиқат, ташкилотчи ва ғамхўр раҳбар, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва раислик қилган узоқ йиллар давомида хўжалигимиз экономикаси беқиёс даражада юксалди. Моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, оғир қўл меҳнати ўрнини механизация эгаллади. Марказий бўлим ўрнида кўркам ва обод посёлка барпо этилди. Энг муҳими эришилган рекорд натижалар эвазига хўжалигимиз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Юксак ишонч масъулияти ҳамиша улкан. Кейинги йилларда ҳам қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, эришилган даражани янада мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоқдамиз. 18 миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳиллиги бу вазифанинг уддасидан чиқишимизда асосий омилдир.

3601 гектар майдонимиз бор. Шундан 2607 гектари суғориладиган ерлар. Етакчи тармоғимиз — пахтачилик. 500 гектарга канап, 220 гектарга шоли, 50 гектарга эса маккажўхори экамиз. Давлатга жўхори дони, канап толаси ва гурунч етказиш планини ҳамма вақт ортиғи билан бажариб келаяпмиз. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек асосий даромадимиз — «оқ олтин»дан. Ўтган йили ҳам 1545 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдик. Бунда Ленин ордени Котиб Сейфалов, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Турсунгул Мирзашова, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Абдурахмон Ҳакимбоев, III Даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Жамол Нуров каби азамат пахтакорларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Пахтачилигимиз тарихида бу йил оғир келди. Биз ҳам табиатнинг бир неча синовларини бошдан кечирдик. Бироқ хўжалигимиз аъзолари йил бошида берган сўзларидан қайтмадилар. Улар ўтган йилгига қарагенда 3,7 центнердан кўп, ҳар гектаридан 33,5 центнердан пахта етиштирамиз деб аҳд қилишди. Ғайрат ва шижоат билан қилинган меҳнат маррани эгаллашимизга имкон берди. Девондан ошиб, мажбуриятни муваффақиятли бажардик. Канап ҳосилдорлиги 180 центнердан, шоли 63 центнердан ва маккажўхори 80 центнердан тушди.

Меҳнат — бахт калити дейишади доноларр. Бу ҳикмат бамисоли колхозимизга ҳам тааллуқлидай. Пешона тери эвазига орттирилаётган бутун бойлик бевосита кишиларимизнинг моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида сарфланаётир. Аҳолига ўнлаб маданий-маиший, медицина муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Савдо шохобчалари сони ортаяпти. Хонадонлар Ильич чироқларидан мунаввар, ҳамма замонавий жиҳозлар бор. Колхозни водопроводлаштириш давом этмоқда. Марказий участкага табиий газ келтирилиб, унинг қувурлари энди иккинчи участкага қараб ётқизилмоқда. Ўтган йили колхознинг барча бригадаларига борадиган йўллар қайтадан асфальтланди. Кейинги йиллар ичида дала шийпонларнинг ички ва ташқи кўринишн деҳқоннинг ҳақиқий уйи талабига тўла жавоб берадиган бўлиб қолди.

Меҳнатга янгича муносабат қарор топмоқда. Бу колхозларимизнинг коллектив вазифаларни сидқидилдан, меҳр-муҳаббат ва бирдамлик билан бажариши, моддий-техника базамизнинг кўз қорачиғидай сақланаётганлиги ҳамда социалистик мусобақада илғорлик учун актив курашда намоён бўлаётир. Шу туфайли бўлинмас фондимиз кўпайиб, қўл чўзган жойимизни зобт этаяпмиз. Ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлаётган 191 нафар коммунистнинг бунда салмоқли ҳиссаси бор.

Ҳаммадан қувончлиси ҳақиқий совет турмуш тарзи таркиб топаётганлигидир. Энди меҳнаткашлар бўш вақтларини маданият уйлари ва клубларда кино, концертлар томоша қилиш, кутубхоналардаги бадиий асарлар муҳокамасида иштирок этишга сарфламоқдалар. Бу уларнинг онгида қанчалик чуқур социал ўзгаришлар содир бўлаётганлигини кўрсатади. Авлодлар учрашувлари, тантаналн равишда пенсияга узатиш, ҳарбий хизматга кузатиш, Ленин комсомоли сафига қабул қилиш ва ёшларнинг никоҳ кечалари ҳақиқий шодиёна туснин олмоқда. Янги анъаналарни жорий этиш ва хотин-қизлар Советлари, маҳалла ва тўй комиссиялари каби жамоат ташкилотларининг фаолияти активлашмоқда.

Қурилиш ва ободончилик, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш соҳасидаги режаларимиз уфқи ғоятда кенг. 1977 йилда тасдиқланган бош планга мувофиқ 178 гектар майдонда замонавий посёлка барпо этилади. Бу маданий-маиший, медицина, савдо ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатувчи муассасаларимизни марказлаштиришимизга имкон беради. Меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик, унинг ҳаёт тарзини яхшилаш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз механиги Азим Эрматов ва кўп минг килограммчи теримчи. Қаҳрамон она Зулфия Эрматовалар оиласида ўн нафар ўғил-қиз вояга етмоқда. Ота-онанинг шонли меҳнат йўли фарзандлар учун катта ҳаёт мактабидир. Бу болаларнинг меҳнатсевар ва камтар бўлиб ўсишларида муҳим роль ўйнамоқда.

А. Мальцев фотоси.

Хўжаликда олти юздан кўпроқ киши партия ва ҳукуматимизнинг орден ҳамда медаллари билан мукофотланган. Уларнинг кўплари «оқ олтин» усталаридир.

Суратда: илғор пахтакорлардан бир группасини кўриб турибсиз.

Э. Ботиров фотоси.

ОСМОНИМИЗ БЕҒУБОР БЎЛСИН

Зулфия ЭРМАТОВА,

колхознинг кўпмингкилограммчи теримчиси,

Қаҳрамон она.

ҲАР кунгидек бугун ҳам дилим равшан тортиб, барвақт уйғондим. Уй юмушларимни тинчитиб, эндигина далага отланиб турган эдимки, почтальон хат ташлаб кетди. Адресига қарасам, ўғлим Асадилладан экан. Дарҳол кичик келиним Муқаддамни чақириб, унга хатни ўқиттирдим. Мана унда нима дейилибди:

«Салом онажон ва дадажон, соғлиқларингиз яхшими? Уйдагилар ҳаммаси тинчми? Колхозимизда нима янгиликлар бор? Пахта плани тўлдими? Менинг соғлиғим жуда яхши. Яқинда дала машқида ўрнак кўрсатганлигим учун қисмимиз қўмондонлиги ташаккурнома эълон қилди...»

Хатни охиригача эшитиб, беихтиёр кўзларим намланди. Бу бахтиёрлик ёшлари эди. Ахир нега хурсанд бўлмайин? Замонамиз тинч, ҳаётимиз эса фаровон. Шу ажойиб замонада қўша-қўша давлат орттирган фарзанд кўрган онадан ҳам бахтли инсон борми, ахир. Бугунги турмушимизга қараб туриб шукрона айтгим келади. Қанчалаб совет оилалари бугунги кунда завқли ҳаёт нашидасини сурмоқдалар. Шундай фаровонлик ва тўкин-сочиниликдан менинг оилам ҳам баҳраманд. Турмуш ўртоғим Азим Эрматов билан биргаликда ўн нафар ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. У кишн ҳам мана 40 йилдирки, далада. Колхозимизнинг энг илғор участкаларидан бирида механик бўлиб ишлайдилар. 1957 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Фарзандларим ҳам ота изидан боришиб, пахтакорлик касбини эгаллашмоқда. Ўғлим Однижон колхозда шофер. Неъматжон эса трактор чи бўлиб ишлайди. Жумадилла — механизатор. У бу йил терим машинаси билан 120 тонна «оқ олтин» териб, анъана бўлиб қолган оилавий мусобақамизда ғолиб чиқди. Катта ўғлим Ҳакимжон офицер. Ватанимизнинг тинчлиги йўлида хизмат қилянти. Қизларимдан Зуҳра ва Муҳаббатлар бўйи етиб, ўз бахтларини топиб, тинчгина кетишган. Келинларим Хикоятхон, Муқаддамхон ва Мақсудахонлар бир биридан меҳнаткаш ва одобли. 18 нафар невараларим даврасида бахтимнинг салмоғини янада чуқурроқ ҳис қиламан. Оиламизнинг аъзолари бир жойга тўпланган кунлари эса ҳовлимизда катта байрам бўлиб кетади.

Оиламизнинг серфарзандлигига қарамай, даланинг оҳанграбоси борми, дейман уйда бекор ўтира олмайман. Рафиқалауддинов бошлиқ бригадада кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келмоқдаман. Бригадамиз аъзолари бу йил 92 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтардилар.

Иккинчи касбим — пиллачилик. Бу йил бир қути қурт уруғидан 160 килограмм ҳосил олдим. Аҳд шу меҳнатларимга яраша ҳар томонлама роҳатини ҳам кўряпман. Бир мен эмас, қишлоғимизнинг ҳамма хонадонлари ҳам авваллардагидек сув ва ўтин ташишидан батамом халос бўлган. Водопровод ва газ хизматимизда. Қўша-қўша гиламлар, радио, телевизор, диван, замонавий стол-стуллар — бугунги маданий турмушимизга нимани зарур бўлса, хонадонимизда ҳаммаси бор.

Менинг севимли фарзандларим, невараларим мактабда ўқиб, болалар боғчаларида тарбия олишади. Мамлакатимизда ёш гражданларга яратиб берилган жуда кўп шарт-шароитларни бизнинг колхоз мисолида ҳам кўриш мумкин. Олтита мактаб, болалар боғчалари замонавий ўқув қуроллари ва асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Замонамиз ҳақида, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ҳақида гапираверсам гап жуда кўп. Мен оддий ва бахтиёр бир она сифатида бизга шундай бахтли турмуш ва тақдир ато этган улуғ Ленин партиясига ташаккур билдираман.

ОРЗУИМ — ҚАНОТИМ

Гулсара КЕНЖАЕВА,

1-участка биринчи бригадасининг механизатори

ЎРТА мактабни тугаллаб қишлоқда қолишга аҳд қилдим. Фақат мен эмас, синфдош ва тенгқурларимдан Назира Олдоберганова, Салима Мирзакомолова, Ҳадича Норбековалар ҳам етуклик аттестатини олиб, тўғри дала қучоғига отланишди.

Икки йил колхознинг Баҳром ака Мирзакамолов бошлиқ бригадасида ишладим. Кўпмингкилограммчи бўлдим. Бироқ, қалбимга «пўлат от»ларнинг жиловини бошқариш ишқи тушиб қолди.

— Жуда яхши, қизим, ниятинг йўлдошинг бўлсин. Сен шуни истасанг биз розимиз,— ойим ҳам, дадам ҳам бир ойиздан шундай дейишганида севинчимдан ўзимни қўярга жой топмай қолдим. Чиноза хаёлан учиб келдим.

Турсунойчилар мактабида таҳсил олган муддат ҳам ҳаётимдаги энг ширин дамлар бўлди. Техника тилини эгаллашдан ташқари ўзим тенги кўплаб оловқалб, юрагида меҳнат ишқи жўш урган қизлар билан танишдим.

Оддий ўзбек деҳқонининг қизи «занғори кема»ни бошқарса, юзлаб дугоналарининг терган пахтасини хирмонга бир ўзи тўксаг Шу фикрдан кўнглим тоғдек кўтарилиб, терим машинаси штурвалини маҳкам тутдим. Ўтган йили устозим Абдулла ака Усенбоев раҳбарлигида кўп нарсани ўргандим. Бу йил эса мустақил равишда 17ХВ —1,8 маркали икки қаторли терим машинасини бириктириб қўйишди.

Ҳозир мен ишлаётган Жумадилла ака Мирҳолиев бошлиқ бригада 82 гектар ерга пахта эккан эди. Коллективимиз 36 центнерлик социалистик мажбуриятини бажарди. Кўпчилик рағбатлантирилди. Мен ҳам район ва колхоз комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландим. Яқинда эса 1-участка бошлағич комсомол ташкилотига секретарь қилиб сайлашди.

Бахтли тақдирим, порлоқ истиқболимдан мамнунман. Бу бахтни менга ҳур замонам берди.

БАХТИЁРЛАР МАСКАНИ

Зоя ЛИ,

1-марказий болалар боғчасининг катта тарбиячиси.

САЙЁРАНИНГ эрхин темада расм чизишга аввалдан иштиёқи кучли. Яқинда «Менинг қадрдон уйим» мавзуидаги ишини ҳам тенгдошларидан олдинроқ тугатди.

— Боғча опа, мана қаранг, ёқадими, — сўради у жилмайиб.

Қизча бир варақ оппоқ қоғозда боғчамиз биноси, ўйин майдончасидан тортиб, ундаги қувноқ манзараларни ҳам акс эттиришга ҳаракат қилибди. Бир қўлимдаги расмга, бир Сайёрага тикилдим. Беихтиёр жажжиларнинг ҳақиқатан ҳам бу қадрдон уйига нақадар меҳри баланд эканлигини, бинобарин ўзим учун ҳам бу ерда ишлаш бениҳоя ёқимли эканлигини яна бир марта чуқур ҳис этдим...

Доҳиймиз Владимир Ильич болаларни жамиятимиздаги имтиёзли синф деб атаган эди. Колхозимиздаги жуда кўп муҳташам маданий-маиший, турар-жой бинолари орасида ўз кўрки билан яққол кўзга ташланиб турадиган боғчамизга қараб кўпинча шу фикр хаёлимдан ўтади. Икки қаватли бу чароғон масканда колхозимиз аъзоларининг 140 фарзанди тарбия олади. Ёшларга қараб 6 та группага ажратилган тарбияланувчиларнинг ҳар қайси группасига алоҳида хоналар ажратилган. Юмшоқ патли гиламлар, ялпиғи дарпарда ва кўрпа-тўшаклар ҳар қандай батартиб уй бекасининг ҳам ҳавасини келтиради. Группаларга қараб хона деворларига турли хил қизиқарли мавзудаги расмлар, машғулотлар жадвалини осиб қўйганмиз. Шкафлардан ҳар хил ўйинчоқлар, расмли эртак китоблари жой олган.

Бугунги кунда боғча фақатгина ота-оналарнинг умумли меҳнати учун шароит яратувчигина эмас, болага илк таълим-тарбия берувчи, унда табиат, музика ва китобларга муҳаббат уйғотувчи маскан ҳамдир. Нутқни ривожлантириш, расм ва музика машғулотларида кичкинтойлар мактаб партасига томон қўйилиб, ўзлаштирилган дастлабки қадамга тайёрлаб борилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● КОЛХОЗНИНГ 600 дан зиёд аъзоси Ватанимизнинг турли хил орден ва медаллари билан мукофотланишган. 26 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

● ҲОЗИРГИ кунда колхоз ўз телефон-автомат станцияси, маиший хизмат уйига эга. Музика мактабининг филиалида 40 нафар ўғил-қиз мусиқа сирларидан таълим олмоқда.

● БЕВОСИТА қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 26 олий ва 48 ўрта-махсус маълумотли кадрлар меҳнат қилишади.

● ХЎЖАЛИК аъзоларидан 61 киши халқ депутатлари қишлоқ, район ва область Советига депутат қилиб сайланган. Уларнинг 40 проценти хотин-қизлардир.

● МАВЖУД олтита мактаб энг замонавий ўқув-техника қуроллари билан жиҳозланган. Уларда 2100 ўқувчи таълим олади.

● 18 ТА дала шийпонининг асосий қисми қейнги йиллларда қайтадан замонавий асосда реконструкция қилинди. 9 таси эса янгидан қурилди.

● 25 мингта илмий, бадиий-сиёсий китоб фондига эга 5 та кутубхонада китобхонлар сони ҳар йили бир неча юз кишига кўпайяпти.

● БЕШТА клуб ва маданият уйидаги бадиий ҳаваскорлик ҳамда бошқа тўгараклар аъзоларининг сафи кенгаётир. Халқ театрида эса 17 киши иштирок этади.

● МАРКАЗИЙ болалар касалхонаси, бешта амбулатория ва қатор медицина пунктларида 40 нафар шифокор эл саломатлигини муҳофаза этмоқда. Уларнинг асосий қисми олий маълумотли мутахассислардир.

САНЪАТ БИЛАН ҲАМНАФАС

КИМ ДЯ ГЕУЙЕМ, маданият уйининг директори

ЭЛЕКТРОН гитаранинг дилни қитиқлсвчи майин овози остида парда очилди. Кейин секин-аста иларнет ва фортепианонинг овози билан қўшилиб, дарёлар жўшқинлиги, тоғлар салобати ва далалар беполёнлигини ўзида жамлевчи куй янгради. Бир зум томошабинларнинг ихтиёрини олиб, уларнинг қалбини санъатнинг мусиқавий сирларига ошно этди-да, тинди.

Конферансье қарсаклар сал-пал тингач эълон қилди:

— Ассалом алайкум, азиз «Северний маяк» колхозининг меҳнаткашлари! Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ким Пен Хва номли колхознинг «Гиксен» ансамбли — бугун сизларнинг меҳмонингиз.

Ўша куни қўшни хўжалик ишчи-хизматчилари маданият уйимиздаги «Қутб юлдузи» номли ўзбек ансамблининг концерт программасини ҳам мириқиб томоша қилдилар. Ўн кишилик духовой оркестримиз қатнашчилари чет эл ва қардош халқларнинг куйларини ижро этишди.

Аслида корейсча «Гиксен» билан «Қутб юлдузи» битта маънодаги сўзлар. Шунинг учунмикин, бу иккала ансамбль фаолияти, изланиши, ҳатто эришган ютуқларида ҳам ажиб бир ҳамоҳанглик ва уйғунлик сезиламан. Эҳтимол бунинг сабаби узоқ йиллик ижодий ҳамкорлик, дўст ва биродарлик туйғуси ёки ансамблнинг музика раҳбари Владимир Ким ва бадиий раҳбари Валерий Кимларнинг бир хил қунт ва сабот билан қилаётган устозлигидадир. Бу ларнинг қатъий назар ҳар иккала ансамбль эришган даражаси билан хўжалигимизда ҳамма фахрланади.

Ансамблларимизнинг ташкил этилганига бир неча йил бўлди. Ўтган давр ичида у каттаю-кичиккнинг қалбига йўл топди. Колхозчи Акром Исроилов, сут соғувчи Елена Тюгай, агроном-энтимолог Борис Цойлар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар айниқса кўпчиликни мафтун этди. Ана шу хушовоз хонандаларнинг маҳорати туфайли аввал район, кейин эса областимизда ҳам «машҳур Ким Пен Хва колхозининг ансамбли» сифатида шуҳрат топди. Бир неча марта турли бадиий ҳаваскорлик кўрикларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Колхозимизда илгари халқ театри мавжуд бўлиб, кейинги йилларда айрим сабабларга кўра унинг фаолияти бир мунча сусайган эди. Яқинда ансамблимиз иштирокчиларидан бири таклиф киритиб қолди.

— Нима учун бир пайтлар машҳур бўлган фахрий театр тарқаб кетиши керак? Келинглар, уни қайтадан тиклашга уриниб кўрамиз.

Кўпчилик бир аҳадан бош чиқарса ҳеч гап эмас. Театрнинг эски қатнашчилари сафига Федор Ким, Зоя Ли, Елена Тюгай, Ли Ен Жун сингари талантли ёшларимиз қўшилдилар. Зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар тахт бўлгач, Олмаотадан Козоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист, постановкачи-режиссёр Владимир Егорович Кимни таклиф этдик. Унинг раҳбарлигида драматург Ен Сен Неннинг шу кун проблемаларига бағишланган «Ўғлонлар» спектаклини саҳналаштирдик. Асарни нисбатан қисқа муддатда — бир ой мобайнида тайёрлаганимиз ва у колхозчиларимиз ҳамда кўпгина район ташкилотлари вакилларининг яхши баҳосига сазовор бўлганлиги ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Ансамбллар ва халқ театримизга яқинда маданият бошқармаси томонидан область хўжаликлари бўйлаб концерт программаси ва саҳна асарлари намойиш этиш учун йўлланма берилди. Репетицияларимизни кучайтириш, ижодимизни янада камол топтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, колхоз маъмурияти яқинда 10 минг сўм пул ажратди. Бу маблағга турли хил музика асбоблари ва театр анжомлари сотиб олдик. Ҳамма имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган бадиий ҳаваскорларимиз колхозчиларимизни хушнуд этувчи янги-янги концерт программалари тайёрлаб, уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларига ўз улушларини қўшаверадилар.

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

ОЛИМЛАР ВА ЧОРВАДОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПОЙТАХТ областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини ажойиб ютуқлар билан якунладилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг курсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қарорларига жавобан областда чорвачликни ривожлантириш бўйича ҳам маълум натижаларга эришилди. Ҳар бир чорвадор, мутахассис КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачликни ривожлантириш жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бораётганлиги туфайли ҳам хўжаликнинг бу муҳим тармоғида жиддий силжишлар рўй бераётир.

Ўтган йилнинг ўн бир ойида областда гўшт етиштириш 1978 йилнинг шу даврига нисбатан 19 процент, сут 11 процент, тухум 21 процент ўсди. Шунингдек, бу маҳсулотларни тайёрлаш ҳам кўпайди. Давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш йиллик ҳажми ҳам муваффақиятли бажарилди.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленумида чорвачилик бўйича қилинган ишлар юзасидан область партия ташкилоти ҳисоботи эшитилди. Пленумда область партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳақидаги қарорини бажариш бўйича фаолияти маъқулланди ва махсус қарор қабул қилинди.

Бу юксак баҳо чорвадорларимиз, шу жумладан олимлар, мутахассислар зиммасига янги-янги вазифаларни юклайди. Эришилган муваффақиятларни танқидий баҳолашимиз, мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиб ишга солиш учун астойдил меҳнат қилишимиз керак.

Областимиз бўйича ўтган йилнинг ўн бир ойида ҳар бош соғин сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олинди, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 170 тадан тухум олинди. Қорамоллар сони — 8 процент, сигирлар — 7 процент, чўчқа — 21 процент, парранда сони — 23 процент ўсди.

Бу партия, совет органлари раҳбарлигида иш олиб бораётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати самарасидир. Улар ишлаб чиқаришга фан ютуқлари, илғор тажрибаларни дадиллик билан жорий этмоқдалар, хўжаликни бошқаришнинг энг мақбул усулларини қўллашмоқдалар.

Тошкент область партия комитети бюроси қарорини бажариш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ институтимиз олимлари наслчилик фермаларини ва наслли молларни кўпайтириш бўйича бир қатор тадбирлар ва тавсияларни ишлаб чиқдилар ва уларни амалга оширишда чорвадорларга бевосита амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, фермаларда сигирлардан сут соғиб олиш назорат қилиб борилмоқда. Сунъий урчитиш пунктларини қуриш ва жиҳозлашда амалий ишлар қилинаётир.

Чиноз наслчилик совхоз-техникуми, «Политотдел» ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида насл ядроси учун сигирлар ва бўқалар танлаб олиниб, алоҳида парвариш қилинмоқда. Улардан олинган бузоқлар махсус ўстирилиб, зотдор сигир подаларини тўлдиришда фойдаланилмоқда.

Айни пайтда областда 19 та наслчилик хўжалиги ташкил этилди. Келгусида Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз, Пискент районидаги 1-«Пискент», Оҳангарон районидаги 1-«Оҳангарон» совхозлари ҳам ана шундай хўжаликлар қаторига киритилади. Колхоз ва совхозларда наслчилик фермалари, сигирлардан олинаётган наслдор бузоқлар сони йил сайин кўпаймоқда. Агар 1975 йилда 1279 бош бузоқ сотилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 2177 тадан ортиб кетди.

Қора-ола зотли моллар боқилаётган фермаларда ҳар йили говмуш бўладиган 11—13 минг бош сигир ажратилмоқда. Натижада сўнгги бонитировка маълумотларига кўра ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 94—193 килограммга кўпайди. Ана шунинг ҳисобига область хўжаликларида ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 3254 килограммдан сут соғиб олинди.

Ўзбекистон чорвачилик институтининг илмий ходимлари «Чиноз» наслчилик совхози, «Политотдел», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг тажриба подаларида ҳар йили танлаш ўтказадилар ва насл ядроси учун 1500—1600 сигир ажратиб олинади. Бу сигирлар энг яхши линиядаги бўқалардан қочирилади. Улардан олинадиган бузоқлар хўжаликлардаги подаларни тўлдиришга хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида мазкур хўжаликларда Бутуниттифоқ стандарти даражасига нисбатан олинганда сигирлардан анча юқори, яъни 4500—4800 килограммдан сут соғиб олинди.

Ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири гўшт етиштиришни кескин кўпайтиришдан иборатдир. Кейинги йилларда бу соҳада бир қанча ишлар қилинди. Мол туёғи кўпайди. Гўштга топширилаётган қорамолларнинг, қўй-эчкиларнинг вазни ортди. Бироқ, биз амалга ошираётган тадбирлар янада яхши самара бериши учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бунинг учун энг биринчи навбатда ҳар бир колхоз, совхоз фермасида урғочи молларни кўпайтиришга эришиш зарур. Бунинг учун эса ҳар 100 бош сигирдан кам деганда 98—100 бош бузоқ олиш, молларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик керак. Ваҳоланки, айрим хўжаликларда 25—30 процент молларнинг қисир қолишига йўл қўйилмоқда. Бу камчиликка барҳам бериш учун сигирларни Львов усули, яъни цех усулида боқишга тўла тикис ўтиш талаб этилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бу усулнинг моҳияти нимадан иборат? Сигирлар 4 та цехда боқилади. Янги бузоқлаган сигир учун биринчи цех хизмат қилади. Бу ердан сигир бўғоз бўлгач чиқарилади ва иккинчи сут соғиш цехига ўтказилади. У ердан учинчи цехга ошириладн. Бу ерда махсус чорвадорлар раҳбарлигида сигирлар тўғишга тайёрланади, тўйдириб боқилади. Сўнгра тўртинчи цехга — туғруқхонага ўтказилади. Ҳар бир цехнинг жавобгар шахслари, мутахассислари бор. Сигир бебош қолмайди. Молбоқарлар, сут соғувчиларнинг меҳнатига рағбатлантирилган усулда ҳақ тўланади. Ҳам сут кўпаяди, ҳам соғлом бузоқ олинади.

Областимиздаги «Маданият» колхози ҳамда институтимизнинг «Красный водопад» тажриба экспериментал базасида сигирлар ана шундай илғор усулда ооқилаётганлиги туфайли яхши натижага эришилмоқда.

Илғор усуллар ва тажрибаларни тобора кенг қўлланиб, бўстонлиқ ва Оҳангарон районларининг тоғлиқ зоналарида гўшт чорвачилигини янада ривожлантириш мумкин. 1976 йил март ойида санта-гертруд зотли қорамолларнинг тўртта буқаси келтирилиб, Тошкент область давлат насл станциясида парвариш қилина бошланган эди. Уларнинг уруғи олиниб, область хўжаликларига сунъий урчитишда фойдаланиш учун тарқатилди.

Оҳангарон районида шароле ва лимузин бўқалари уруғидан соғин сигирларни қочиришда фойдаланилди. Ана шу йўл билан олинган 117 бош гибрид мол жадал усулда боқилди ва 15 ойга етганда уларнинг вазни 450—500 килограммга етди.

Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида ҳам ана шундай ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда чатиштириш йўли билан олинган гибрид моллар вазни 16 ойлигида 450—470 килограммни ташкил этмоқда.

Қўйчиликни ривожлантириш соҳасида ҳам кўп иш қилиш керак. Айни пайтда 10 минг тонна қўй гўшти етиштирилмоқда. Бу аҳолининг эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Шунинг учун ҳам яқин йиллар ичида областда қўйлар сонини анча кўпайтириш, гўштга фақат юқори семизликдаги қўйларни топшириш эришиш даркор.

Институтимиз ходимлари Тошкент областининг тоғлик зоналарида кўп гўшт ва сифатли жун берадиган қўйларни кўпайтириш бунича илмий иш олиб бормоқдалар. Хусусан Оҳангарон районидаги «Оҳангарон», «Ангрен» совхозларн ва Коммунистик районидаги «Коммуна» ва «Правда» колхозларида амалга оширилган тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Оқибатда қўйларнинг ҳам кўп гўшт, ҳам жун берадиган янги зотлари яратилди. Улар маҳаллий шароитга тез кўникиб кетди. Яхшилаб боқилса, қўчқорларнинг вазни 106 килограммга, совлиқларнинг вазни эса 57 килограммга етади. Ҳар биридан 3,5—3,5 килограммдан жун қирқиб олинмоқда. Ҳозир тўртта хўжаликда ана шундай қўйлардан 50 минг бош боқилмоқда.

Чиноз районидаги Жамбул номли, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозларда эса жайдари, думбали қўйларнинг зотини яхшилаш ишлари олиб борилаётган ишлар қувончли самаралар бераётир.

Областда паррандачиликни саноат асосига утказиш жараёни ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Лекин ҳали ою соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар кўп. Паррандачилик фабрикаларида селекция ишларини янада яхшилаш керак. Ишлаб чиқариш қувватларидан тула ва унумли фойдаланиш лозим.

Областда бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Ем-хашак экиладиган майдонлар йил сайин кенгайтирилмоқда. Хўжаликларда озуқа лавлагиси, судан ўти ва рапс сингари ем-хашак экинлари кўплаб экилмоқда ва улардан юқори ҳосил олинаётир. Ем-хашак тайёрлашнинг илғор усуллари тобора кенг қўлланилмоқда. Сенаж, силос тайёрлаш ҳажми йил сайин ортиб бораётир. Ўт талқони ва бошқа турдаги озуқалар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Бироқ бу соҳада ҳам ҳали кўп имкониятлар бой берилаётир. Айрим хўжаликларда ем-хашак экинлари ҳосилдорлиги паст. Аралаш ва оралиқ экинлар экишга дурустэ эътибор берилмаётир. Оқибатда суғориладиган гектар самарадорлиги кўнгилдагидек бўлмаяпти. Институтимиз мутахассислари бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш ва такомиллаштиришда хўжаликларга яқиндан ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширадилар.

Ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш муҳим вазифадир. Яқин пакт ичида гектаридан олинадиган беда ҳосилини 200 центнерга, маккажўхори дон ҳосилини 100 центнерга, силос массасини 800 центнерга етказиш талаб этилади.

Чорва бутун йил бўйи тўйимли озуқа билан таъмин этилиши даркор. Бунинг учун бостирилган сенаж ва силосни сақлаш, улардан фойдаланиш технологиясига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Бу соҳада олимлар, мутахассислар ишлаб чиққан тавсияларга қатъий амал қилиш лозим. Афсуски, айрим хўжаликларда бунга эътибор берилмаяпти.

Ҳозир чорвадорларнинг жиддий синов кунлари — қишлов даври ҳисобланади. Қишловдан чорвани беталофат олиб чиқиш учун ҳамма ерда ишни намунали ташкил этиш лозим. Фермаларда ем-хашак цехлари тўла ишга туширилиши керак. Сут соғувчилар, молбоқарлар, мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш лозим. Ҳамма ерда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1979—1980 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бориш, фермалар, бригадалар, колхозлар, совхозлар илғор коллективларининг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан ўзаро социалистик мусобақасини кенг авж олдириш лозим.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Мукаррам Юзбоева ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилки меҳнатда қувончли кўрсаткичлар билан бошлади. У 1979 йилда қарамоғидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олиб, юксак социалистик мажбуриятини бажарди ва Бекобод районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашларининг олқишига сазовор бўлди.

М. Қорабеков фотоси.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ ДАЛАГА

ОҚҚЎРҒОН районн меҳнаткашларн ер унумдорлигини оширишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозир барча колхоз ва совхозларда ҳосил отрядлари ташкил этилган. Бу отрядлар механизаторлари кўш даврида 25 минг тонна гўнг жамғаришни режалашган. Далага маҳаллий ўғит чиқариш «Ленинизм», «Партия XXII съезди», Вотинцев номли, Ҳ. Олимжон номли колхозларда, С. Сегизбоев номли совхозда қизғин олиб борилмоқда.

«Оққўрғон» совхозининг Қ. Айнабеков бошлиқ бригадаси аъзолари шу кунгача далага 200 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқаришди. Улар ҳар гектар майдон ҳисобига камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришга бел боғлашган.

П. ЭРГАШЕВ,
М. МИРКАМОЛОВА.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АҚШНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ҚОРАЛАНДИ

КОБУЛ, 3 январь. (ТАСС). «Кабул нью таймс» газетаси Қўшма Штатларнинг Афғонистон хусусидаги ва сўнгги вақтларда бу мамлакатда рўй берган воқеалар хусусидаги позициясини қаттиқ коралаб чиқди.

Картер Аминни «Афғонистоннинг қонуний президенти» деб атаганлиги ғалати туюлади»,— деб ёзади газета редакцион мақоласида.— АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Революцион кенгашнинг биринчи раиси ва АДР Бош министри Н. Тараккининг ҳалок бўлишига олиб борган фитнани АҚШ билмаслигига ишониш қийин. Ёки АҚШ Афғонистондаги бошқа фоциали воқеалардан, мамлакатда бедодлик ва жабр-зулм ҳукм сурганлигидан, ўн мингдаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташлангандан, кўп кишилар ўлдириб юборилганидан, империалистлар билан реакционерлар афғон мухожирларини ўз ватандошларига қарши курашиш — учун тайёрлашни ташкил этиш имкониятини ташкилдиридан хабардор бўлмаган, деб ишониш қийин.

Сиёсий ҳокимиятни босиб олиш учун давлат бошлиғига қарши фитна уюштирган ва уни ўлдирган кимсани қандай қилиб «қонуний ҳукмдор» дейиш мумкин?— деб ёзади газета. АҚШ тутган позициясини шу билан изоҳлаш мумкинки, бу йўл Америкаининг ташқи сиёсатига батамом мос келади. АҚШ 1950 йилдан бўён халқаро ҳуқуқ ва БМТ Уставига хилоф равишда мустақил давлатларга қарши неча ўн марталаб ўз қуролли кучларидан фойдаланди. Американинг Кубадаги, Ливандаги, Доминикана республикасидаги ва бошқа мамлакатлардаги интервенцияси жаҳон халқларининг эсида турибди. Кэмп-Давиддаги махфий тил бириктирув араб халқларининг ҳуқуқларига тажовуз қилиш тимсоли бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда АҚШ Эроннинг ички ишларига ҳарбий йўл билан аралашиш учун баҳона қидирмоқда.

Ғўё Совет Иттифоқи Афғонистон ишларига аралашди, деб империализм ва реакция кучлари тўқиб чиқарган туҳматга келганда бу нарса ҳеч бир асоссиз ташвиқотчилик ўйдирмасидан бошқа нарса эмаслиги равшан, дейилади сўзгра мақолада.

ИСРОИЛ ҳукмрон доиралари Иордан дарёси ғарбий қирғоғи, шунингдек Ғазо секторида ва Қуддус шаҳрида яшовчи араб аҳолисини камситмоқда, уни энг оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этмоқда.

Суратда: Исроил босиб олган Қуддус шаҳрининг кўчаларидан бирида араб йиғлиги қамоққа олинмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 3 январь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Америка — Эрон танглиги тевирагидаги ҳарбий васвасани кучайтириб, таайиқ ўтказишнинг тобора кўпроқ ивогарона воситаларини ишга солмоқда.

АҚШнинг шимоли-шарқий штатларида «Импайер глэсьер-80» деган шартли ном билан ҳарбий машқлар ўтказилиши тўғрисидаги хабарни бу ердагилар худди мана шундай баҳоламоқдалар. Бу машқлар давомида «Америка қўшинларини нефта бой мамлакатга олиб бориб ташлаш» усуллари такомиллаштирилади. 1 февраль куни бошланадиган мана шу «уруш-уруш ўйинлари» қишки шароитда ўтказилаётганига алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот хабарларига қараганда, Нью-Йорк штатининг шимолидаги Форт-драм ҳарбий базасига ҳозирнинг ўзидаёқ машиналарда қатнашадиган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ва армиясининг дастлабки бўлинмалари кела бошлади. «Қишки ҳарбий машқлар, — деб таъкидлайди ЮПИ агентлиги, — ўзининг баъзи жиҳатлари билан газеталарнинг ҳозирги сарлавҳаларига мос бўлиб тушмоқда».

Вашингтон ўзининг Эронга нисбатан ўтказаётган ва шу райондаги бошқа мамлакатларга ҳам хавф солаётган агрессив сиёсатини ниқоблаш учун гўё Эронга «совет хавфи» бор деган пропаганда кампаниясини шовқин-сурон билан бошлаб юборди. Кейинги кунларда Оқ уйнинг ҳам, давлат департаментининг ҳам вакиллари мана шундай бошдан-оёқ ёлғон ивогарлик баёнотлари билан чиқдилар. Шу муносабат билан Си-Би-Эс телевидение компанияси бундай деб уқтирди: «АҚШ давлат департаменти ҳозир мусулмон мамлакатларини гўё уларга энг катта хавф АҚШ томонидан эмас, балки СССР томонидан чиқмоқда, деб ишонтиришга мўлжалланган ташвиқот йўлини эўр бериб ўтказмоқда». Бироқ, Вашингтон маъмурияти бу шовқин-суронли кампанияни АҚШнинг хусусан Эронга нисбатан ва умуман Яқин ва Ўрта Шарққа нисбатан интервенциячилиқ режаларини тўсиб турувчи парда сифатида ўйлаб бошлаганлиги равшан.

ТЕҲРОН, 3 январь. (ТАСС). Эрон ташқи ишлар министрлиги БМТ Бош секретари К. Вальдхаймнинг Эрон ташқи ишлар министри С. Қутбзода билан ўтказган учрашувларининг якунлари хусусида баёнот эълон қилди. Баёнотда айтилишича, Вальдхайм учрашув вақтида Эронда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳақиқий моҳияти ва шоҳ режимининг инсон ҳуқуқларини нақадар бузганлиги миқёсларидан БМТнинг «хабардор эмаслиги»ни айтди. С. Қутбзода, дейилади баёнотда, БМТ Бош секретарига сўнгги шоҳ ҳукмронлик қилган 25 йил мобайнида БМТ Эронда рўй бераётган воқеаларга мутлақо эътибор бермаганлигини уқтирди ўтди. Мана шу халқаро аниқлаш гаровга ушлаб қолинганларни қўйиб юборишни талаб қилувчи резолюцияларда ҳам фактларга реалроқ муносабатда бўлиши, шоҳни ва ўмариб кетган бойликларни Эрон халқига қайтариб бериш зарурлигини кўрсатиши лозим эди, деди Эрон ташқи ишлар министри.

Эрон юристлари уюшмаси собиқ шоҳ қилган айблар рўйхатини тайёрлайди, БМТ Бош секретари К. Вальдхаймга юборилган ва бугун маҳаллий матбуотда эълон қилинган хатда собиқ шоҳ сиёсий қочоқ эмас, балки ўта кетган жиноятчи эканлиги қайд этилган. Шу сабабли халқаро битимларга биноан у Эрон маъмурларига тутиб берилиши ва Эрон халқига қилган жиноятлари учун Эрондаги миллий суд олдида жавоб бериши керак.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

АНҚАРА. «Гунайдин» газетаси бундай деб ёзади: ишлаб чиқаришда юз бераётган бахтсиз ҳодисалар туфайли ҳар йили турк ишчиларидан бир ярим минг киши ҳалок бўлмоқда. Мамлакатдаги энг катта «Турк-иш» касаба союз бирлашмаси раҳбарларидан бирининг кўпгина ўтишича, ишлаб чиқаришда шикастланиш йил сайин кўпаймоқда. Бунинг учун техника хавфсизлигига риоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилишини таъминлаётган корхона эгалари, шунингдек саноат корхоналарининг ишини тегишли даражада назорат қилмаётган давлат органлари жавобгардир.

ДАККА. Бу ерда халқаро аэропортни тантаналн очиш маросими бўлиб ўтди. Пойтахт яқинида жойлашган Бангладеш янги ҳаво порти ҳар йили тўрт миллион пассажирга хизмат қилаолади. Бу эса илгариги аэропортнинг имкониятларидан 8 баравар кўп.

Янги аэропорт дастлабки уч ой мобайнида фақат маҳаллий линияларга хизмат қилади. Аэродромдаги барча хизматларни синаш ишлари ниҳоясига етганидан кейин халқаро учиш бошланади.

Бангладеш ҳаво алоқаси тўғрисида 15 мамлакат билан шартнома тузган. «Бангладеш Биман» миллий авиакомпанияси самолётлари Лондон, Амстердам, Каррочи, Бомбей, Абу-Даби, Вангкок, Сингапур, Катманду, Калькуттага учмоқда. Париж, Токио, Жакарта, Рангунга, жаҳоннинг бошқа шаҳарларига учиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Янги халқаро аэропорт ишга туширилиши билан замонавий, қитъаларарО учувчи самолётлар бу ерга қўна олади.

ДАМАШҚ. Сурияда шаҳарлар ва қишлоқларни қўлламаорлаштириш, иҳота ўрмонлари барпо этиш мавсумини бошлаб берадиган анъанавий байрам — дарахт куни нишонланди.

Кўкламзор зонани кенгайтириш юзасидан ўтган йили ўтказилган кампания давомида 12 минг гектар майдонга 25,3 миллион кўчат ва буталар ўтказилган эди.

УММОН. Саудия Арабистонида мусулмонларнинг муқаддас шаҳари Маккада бу йил ҳажга келувчилар учун янги дарвоза очилди. Уни қуриш учун 3,7 миллион доллар сарфланди. Саудиянинг моҳир усталари бир неча йил давомида мусулмонларнинг муқаддас кабасига кираверишдаги рамзий дарвозани яратиш устида меҳнат қилдилар. 3 метр баландлиндаги дарвозани қоплаш учун 180 килограмм олтин ишлатилди.

Саудия маъмурларининг фикрича дарвозанинг шу қадар муҳташам бўлиши мусулмонлар ҳаётида Маккаининг ролини кўрсатиши керак.

БАҒДОД. Кейинги йилларда Ироқ жаҳон бозорида хурмо етказиб берувчи энг катта мамлакатгина эмас, шу билан бирга нефть қазиб чиқарувчи асосий мамлакат сифатида ҳам машҳур бўлиб қолди. Олтингугурт Ироқнинг экспортида тобора катта салмоққа эга бўлмоқда.

1979 йилда Ироқ 750 минг 310 тонна мана шу қимматли хом ашёни экспорт қилди. Олтингугурт қазиб чиқариш республикада эндигина бошланган 1972 йилда атиги 173 ярим минг тонна хом ашё чиқарилган эди.

Ироқ айниқса Осиё ва Африкадаги давлатларга олтингугуртни энг кўп миқдорда юбормоқда.

ДЕҲЛИ. Ҳар йили Ҳиндистонга келадиган туристларнинг сони кейинги ўн йил мобайнида уч баравардан зиёд ошди. Давлат «Эйр Индиа» Ҳиндистон авиакомпаниясининг бош директори П. С. Дас журналистларга айтганидек ўтган 1979 йилда Ҳиндистонга чет эллардан қариб 800 минг меҳмон келди.

Туризмни ривожлантириш учун мамлакатда кўп ишлар қилинмоқда. Янги туристик маршрутлар очилмоқда, маданият ёдгорликлари таъмир этилмоқда, меҳмонхоналар ва кэмпинглар қурилмоқда.

(ТАСС, 3 январь).

ПЕКИН ЖЎР БЎЛМОҚДА

ПЕКИН, 3 январь. (ТАСС). «Жэньминь жибао» газетаси Афғонистондаги воқеалар тўғрисида редакцион мақола босиб чиқарди. Шуниси характерлики, бу мақолада Афғонистон революцияси тўғрисида ҳам, империализм кучлари деярли бир ярим йил давомида Афғонистоннинг ички ишларига аралашиб, афғон халқига революцион ўзгартишларни амалга оширишга ва демократик жамият қуришга халақит бераётганликлари тўғрисида ҳам, Афғонистон янги раҳбарларининг фаолияти тўғрисида ҳам ҳеч нарса айтилмаган.

Шу мақолада ҳам, Хитой ҳукуматининг 30 декабрдаги баёнотида ҳам шу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган. Аксинча мақолада ва баёнотда афғон халқига, Афғонистоннинг янги демократик раҳбарлари номига, Совет Иттифоқи номига газаб билан ҳуруж қилинган. Пекин раҳбарлари Афғонистон Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқига нисбатан «қатъийроқ ҳаракат қилишга ғиж-ғижлатмоқдалар». «Женьмин жибао» газетаси «гегемончиларга тазйиқ қилишга», «Қўшни давлатларни ўраб олиш совет тактикаси» деб аталган тактика олдида «ҳушёр бўлишга чақирмоқдалар».

Пекиндан эшитилаётган мана шу гаплар Хитой раҳбарларининг Афғонистондаги воқеаларга баҳо беришда НАТО мамлакатлари билан тамомила бир ёқадан бош чиқараётганлигидан, улар билан биргалашиб халқ демократик ҳаракатига қарши чиқаётганлигидан далолат бермоқда.

Бошқача қилиб айтганда, Пекин ўзини империалистик пропаганданинг ҳимояси эканлигини тамомила равшан фош этди. Бу жар солиб айтилган гаплар Пекинга жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ХХРнинг Ҳинди-Хитойга нисбатан босқинчилик ниятларидан, Вьетнам, Лаос ва Кампучияга қарши агрессия ҳаракатларидан чалғитиш учун керак бўлиб қолди.

СҮНГГИ ПОЧТАДАН

«ОЛАМДА НИМА ГАП?»

Куни кеча Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик «Оламда нима гап?» кўрсатуви эллигинчи маротаба эфирга чиқди. Бу кўрсатувлар қисқа муддатда телетомошабинларнинг эътиборини қозонди. Тележурналистлар жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаб, ҳозирги халқаро аҳволни кенг томошабинларга етказишда телевидениенинг жуда бой имкониятларидан тобора самарали фойдаланмоқдалар.

Ҳафталик кўрсатувнинг «Совет қишлоқ чет элларда», «Чет эллик публицистлар — меҳмонимиз», «Халқаро фельетон», «Шарқ мамлакатларида болаларнинг аҳволи», «Саволларингизга жавоб берамиз» каби саҳифалари телетомошабинларга айниқса манзур бўлмоқда. Ўзбекистон телевидениесининг халқаро мавзулардаги кўрсатувлари янада ранг-баранг тус олади, уларда телевидениенинг жуда бой техникавий ва тасвирий воситаларидан тўлароқ фойдаланилади деб ишонамиз.

ЯХЕ АТ-ТАҲЕР АБДУЛЛА, Миср ёзувчиси

ЖАББОР ТАТУИРОВКАСИ

Жабборга амакисининг қизи жуда ёқарди. Лекин, йигитнинг Абу ар-Расул қизига уйланиш учун қалин сифатида беришга туяси йўқ эди.

Фотима гўзал, хушчақчақ бўлиб, ориқ ҳам семиз ҳам эмасди. Ўрта бўйли бу қиз ҳид таратадиган чиннигул мойи суртиб юрарди.

— Зоғора нон еб, эчки сути ичган етимча пальма сингари тик қомат бўлиб қолди, — деб ўзи ҳақида Фотима айтган сўзни эшитиб қолган эди Жаббор.

Бу сўзлар Жаббор қалбини қувончларга тўлдирди. «Бу яхши аломат. Дил дилни билади, деган мақол бежиз айтилмаган экан», ўйларди у.

Фотима ҳар балони ўйлаб топувчи эди. Уларнинг уруғидаги барча аёллар ва қизлар кўзларига қора сурма суртишарди, Фотима эса яшилни танларди. Сочларини ҳам минг қиёфага соларди. Гоҳ узун, икки ўрам қиларди, гоҳ пешонасига гажак қилиб тушириб, унга мовий тўғноғич тақиб қўярди. Бугун елкасига тўлқинсимон қилиб туширган бўлса, эртасига кўпдан кўп кокил қилиб ўраб қўяр, бу уни фариштага ўхшатиб кўрсатарди.

Узига тикиб оладиган кўйлакларини айтмайсизми! Гулларини шундай танлаб бичар эдики ҳар бир кўкрагида катта атиргул очилиб турар ёки сайроқи қуш уя қурган бўларди. Кўйлаги ҳар доим ўзига ярашиб турар, тор ҳам, кенг ҳам бўлмасди.

Кунларнинг бирида дугоналари билан сув олиб келиш учун қудуқ томон кетаётган Фотимани кўриб қолган Жаббор «Кўзани кўтаришга ёрдам берсаммикан» деб ҳаёлидан ўтказди. Лекин, мулоҳаза қилди, чунки у Фотимани севишини ҳамма биларди, уни хотинликка олиш учун эса амакиси Абу ар-Расулга қалин сифатида беришга туяси йўқ эди.

Жаббор белини ўйнатиб кетаётган Фотимага кўз узмасдан тикилиб қарарди. Қиз ёқяланг, бўйни эса худди оқкушникидек гўзал эди.

Жаббор кичкиналигида отаси вафот этиб кетди, онаси бошқа уруғдан бўлган кишига турмушга чиқди, ўгай отанинг қариндошлари уни сиқдиришмади. Жаббор ёшлигидан, агар умуман унинг ёшлиги бўлган бўлса, машаққатли ва оғир меҳнатни билди. Энди унинг тоқати қолмади. У Фотимага уйланиш учун қалин сифатида бериладиган туяни олмагунча ўз қариндошларининкида ишламасликка ахд қилди.

Бир доно киши сабр қилиш кераклигини, вақти келиб у албатта туя олишини ва уни амакиси Абу ар-Расулга қизи Фотима учун беришини ишботлашга уриниб, бу йўлдан қайтармоқчи, уни инсофга келтирмоқчи бўлди.

Жаббор эса тупугини аламли ютунар экан сўради:

— Бир йилдан кейинми, етти йилдан кейинми ёки ўлганимдан кейинми? Қачон?

Доно жавоб берди:

— Ҳовликма. Шайтон ҳовликади. Шайтон эса инсон зотининг душмани. Балки, беш йил ёки етти йил ўтар. Фотима ҳали ёш, сен бўлсанг бақувват йигитсан.

— Демак, мен туя топмагунча Фотима турмушга чиқмайди, деб ваъда берасанми? — сўради Жаббор.

Маслаҳатгўй ўйланиб қолди, тўпиғига билакузук тақиб олган Фотимани ҳаёлига келтирар экан жавоб берди:

— Тўғрисини айтганда, ваъда беролмайман. Фотима гўзал қиз. Унинг сийнаси буғдой ранг бўлса ҳам момиқдек нозик. Уруғимиз йигитлари гўзал қизларни жуда ёқтиришади. Уруғимизнинг юзта нор туяси ва юзта урғочи туяси бор... Йўқ, ваъда беролмайман.

Худди шу вақтнинг ўзидаёқ Жаббор ишламаслигини айтди. Уруғ шайхи ичаги узилгудек ҳоҳолаб кулди. Сўнгра тупуриб, деди:

— Унинг нима ейишини кўрамиз. Пальмага ер тубидан сув симириш учун узун илдизлар керак бўлгани каби инсонга овқат зарур.

* * *

Ёзнинг баркашдек қуёши ғарбий қирғоқдаги тепаликлар орқасига беркинди. Осмон чети ҳамон ёниб турар, каналнинг иккала қирғоғи узра ўсиб ётган тамарискнинг сариқ гулли шохлари сувнинг

(Давоми 4-бетда).

«ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИГА МАРҲАМАТ

ҮНИНЧИ беш йилликнинг якунловчи йилига қадам қўйдик. Бу йил биз ҳаммамиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини зўр тантана билан нишонлаймиз. Инсониятнинг улуғ доҳийси юбилейи муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси «ЛЕНИННОМА» конкурсини эълон қилади.

Конкурсда ёзувчи ва журналистлар, газетанинг кўп сонли ишчи-деҳқон мухбирлари В. И. Ленинга бағишланган бадиий асарлари: очерк, ҳикоя, публицистик мақола, лавҳа, достон, қасида, шеър ва қўшиқлар билан қатнашишлари мумкин. Бу асарларда буюк инсон Ленин ва унинг ўлмас ғоялари тараннум этилиши керак.

Улкамизда Ленин васиятларини амалга ошириш учун олиб борилган катта ўзгартирувчилик ишлари ҳақида, Ленин ишининг давомчилари бўлган барҳаёт ветераннлар, Ленин орзуларини рўёбга чиқараётган ажойиб замондошларимиз, доҳийнинг табаррук номи билан боғланган жойлар ҳақида ҳикоя қилиниши керак.

Конкурсга В. И. Ленин туғилган кунда якун ясалади.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ — 150 сўм.

ИККИТА ИККИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири 100 сўмдан.

УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири 75 сўмдан.

Конкурсга юборилади ган конвертларга «Тошкент ҳақиқати» конкурсига» деб ёзиб қўйишни унутманг.

«Ленинном» конкурсига марҳамат.

КОНКУРС ЖЮРИСИ.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. И. Уфимцевнинг ижоди мамлакатимизда кенг тарқалган. Унинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида рассомнинг ижодига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмада унинг 200 дан ортиқ тасвирий санъат асарлари намойиш этилган. Улар рассомнинг қизиқарли аммо, мураккаб ижодий йўлини кўрсатиб турибди.

В. Уфимцев ўзига хос ва кўп қиррали рассом. У турли жанрларда ижод этган бўлиб, ўз фаолияти давомида ҳар хил материаллардан фойдаланган. Унинг тарихий мавзуларга бағишлаб яратган чуқур психологик характерга эга тематик асарлари алоҳида диққатга сазовордир.

«Жанговар йлан», «Қаҳрамоннома», «Днепр учун олға», «Землянка», «Большевикнинг туғилиши», «Ҳамза», «Оловли йиллар» ҳамда «Ер ва келажак ҳақида» кабн асарлари шулар жумласидандир.

Кўргазмада булардан ташқари унинг акварел ишлари шунингдек, спектакллар учун ишланган манзаралн эскизлари ва бошқа асарлари ҳам намойиш этилган. Улар томошабинларда катта таассурот қолдиряпти.

Т. ОДИЛБЕКОВ, санъатшунос.

Суратда: В. Уфимцевнинг «Ер ва келажак ҳақида» асарининг фотонусхаси.

Автор фотоси.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Сайрамлик Ойим буви Шермат қизи ўзининг тўнғич фарзанди — Ҳамро бувини 1906 йил киришида кўрган. Кейинчалик бу оила Тошкент шаҳрига кўчиб келди. Шу ерда турмуш қурган Ҳамро роппа-роса 25 ёшида 1931 йилнинг 1 январида тўнғич қизини кўрди. Унинг исмини Нафиса деб аташди.

Пиру-бадавлат Ойим буви Шермат қизи 1950 йилнинг 1 январида роппа-роса 80 ёшида қазо қилди. Шу куни кечаси унинг набираси қиз, келини эса ўғил кўрди. Қизга Дилбар, ўғилга Равшан деб исм беришди.

Ҳар йили Янги йил кечаси кутиб олинаётганда Ҳамро бувини табриклаб 30 га яқин навара-эваралари келишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. 74 ёшни қаршиларган Ҳамро буви Муҳамедова набиралари Дилбар ва Равшанни ҳам Янги йил билан, ҳам туғилган куни билан табриклади. Р. ИСҲОҚОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЛЕНИНГРАД. Мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири «Невский завод» машина қуриш бирлашмаси революция доҳийси буюк Ленин номи билан аталади. Бу корхона муҳри билан чиққан маҳсулотлар Иттифоқимиздаги қурилишларда самарали фойдаланилмоқда. Коллектив аъзолари янги қурилишга ўз маҳсулотларини графикда белгиланганидан анча аввалроқ етказиб беришни яхши анъанага айлантиришган. Ўтган йили бу ердан Тюмень—Сургут—Новополоцк газ магистрали учун муддатидан илгари турбиналар етказиб берилди.

Бирлашма коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига юксак мажбурият қабул қилди. Бу мажбуриятда доҳий туғилган кунгача меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йилликка белгиланган маррани эгаллаш кўзда тутилган. Суратда: корхона участкаларининг бирида.

М. Блохин фотоси.

МАМЛАКАТИМИЗДА граждапларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонун билан гарантияланган. Шу билан бирга уларнинг нормал меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит ҳам яратилган. Шу мақсадда 1925 йили Иттифоқимизда ВЦСПС меҳнатни муҳофаза қилиш Бутуниттифоқ Марказий илмий текшириш институти ташкил этилган эди. Илмий муассаса олимлари ва мутахассислари меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб чиқариш шароитини ўрганмоқдалар, санитария-гигиена ва ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар. Суратда: медицина фанлари кандидати И. Коваленко ва кичик илмий ходим И. Белицкий лабораторияда тадқиқот ишларини олиб боришяпти.

В. Кошезой фотоси. [ТАСС фотохроникалари].

ЖАББОР ТАТУИРОВКАСИ

[Бошн 3-бетда].

хира сатҳига қора, тўлқинсимон соя ташларди. Тун ер устига қора чодир ёпгандек эди. Қаердандир, узоқлардан қушнинг ягона фарзандини йўқотган она йиғисига ўхшаш товуши келарди.

Жаббор ўз баданига нимадир тегаётганини сезди, ёз бўлишига қарамай худди қиш туни совуғида қолгандай титрай бошлади. У шоша-пиша сувдан чиқди-да, қуруқ дўнгликка кўтарила бошлади. Иштонидан сув оқарди. У енглари кенг, калта ҳаворанг кўйлагини кийди, иштонини ечиб, сувини қисиб, қуритиш учун Нил акацияси шохига илар экан ҳаёл сурарди: «Йигитча, сувда жиннар ва чўкканларнинг руҳи яшашини наҳотки унутдингиз!?».

Жаббор дарров ўзини тутиб олди ва қўрқувдан асар ҳам қолмади. Кўйлагини ечди-да уни тахлаб устига тош бостириб қўйгач яна сувга тушди. У бу қирғоқдан у қирғоққа ўтиб тошлар ва ўтлар орасидан лаққа балиқ қидирарди. Бундай балиқ томоғида ўсадиган узун тирноғи туфайли секин сузади.

Жаббор лаққабалиқ қидириб сувда узоқ вақт айланиб юраркан, ўзига ўзи агар битта балиқ ушлаб олса иккинчисини қидирмасликни уқтирарди, битта балиқ бутун бир кунга етарди-да. Яна у балиқни ейишдан олдин қовуриш кераклигини ўйларди. Наҳотки уруғларидан олов сўраса. Жаббор ёшлигидан шу уруғи учун ишлаб келган бўлса ҳам ўзига туя бермаганлардан олов сўраса. «Агар балиқ тутиб олсам, иккита тошни бирбиригa ишқаб учқун чиқарманда қуруқ хашак ёқаман, худога шукурки, хашак бу ерда тўлиб-тошиб ётипти» — деди ўзига-ўзи.

Жаббор осмонга кўз ташлар экан унинг мовийлиги, ёйилиб кетган кўпдан-кўп юлдузлардан ёришганини кўрди. У сувдан чиқиб, Фотима ҳақида бироз ҳаёл суришга, сўнгра яна лаққа-балиқ тутишга ахд қилди.

Жаббор қипяланғоч Нил акациясига суяниб ўтирарди. Унинг ошиқона интизор назарида Фотима келиб, тош тагидан унинг кўйлагини олиб, сарғайиб кетган қўлтиқларини ювиш учун сув олдига келаётгандек кўринди. У ҳатто қиз билакларидаги рангли шиша билакузукларнинг жаранглашини ҳам эшитди. Ёз туни ҳам қоқ ярмида салқин бўлади. Жаббор сесканиб, ўзининг қиска, ажойиб тушидан уйғониб кетди. Оч бўлгани учун яна сувга тушиб, лаққабалиқ қидиришга ахд қилди. Шу вақтда у кишиларга ризқ-рўз юборувчи олампаноҳ-худога сиғиниб ўзига битта, фақат биттагина балиқ кифоя этишини илтижо қилди. Лекин, яратувчи ҳар куни ғайрат қилиб ишламаган қулидан юз ўгиради. У ўз уруғи ва авлодидан ажралганларни ҳам хуш кўрмайди. Ҳа, Жаббор Фотима гўзал, лекин худо ўндан ҳам гўзалроқ ва ҳамма нарсадан, улуғдир. Демак, қаҳр-ғазабга учрадинг Жаббор. У сувдан балиқ тутаолмай қуп-қуруқ чиқди. Иштони, кўйлагини кийди-да Нил акацияси танасига суяниб ўтирди.

Албатта, бошқа уруғнинг эшагини ўғирлаш мумкин. Лекин бунинг учун шаҳарга, деворлар билан ўралган ҳамда қоровул қўриқлаб турадиган боғорга бориш керак. Агар эшакни ўғирлайолса соқчилар қўриқлаб турадиган қадимги ибодатхонадан қуриган гўнг таширди. Агар бунинг уддасидан чиқса гўнгни экин майдонларига солиш учун уруғларига пулларди. Шундай қилиб, туя сотиб олишга етадиган пул жамғарар ва уни Фотимага уйланиш учун амакиси Абу ар-Расулга берарди.

Жаббор ўғриларни тутадиган соқчилар ҳақида ўйлар экан уларни кўр-басир деб гапирарди, ўзига-ўзи. Агар улар Фотимани кўришганда эди, кўзлари очилиб, юраклари юмшаган бўлармиди? Шунда улар қишлоқ оқсоқолининг уйига олиб бориб калтаклатишмасди. Хасис ва жаҳлдор чол Фотиманинг гўзал ҳусни-ни кўролмайди. Жаббор агар оқсоқол ўрнида мен бўлиб юзта туям бўлса ўзим Абу ар-Расул қизига уйланардим, унинг уйига келтирилган ўғри Жабборга эса «кетавер, йигитча, бошқа бундай номаъқулчилик қилма» дердим, деб хаёл сурарди. У ўғрининг оёқ-қўлларини боғлаётмаган ва соқчилар химоясида бечора Жабборни ошхона тозалашга ва қўланса сувни ювиндихонага оқизишга жўнатмаган бўларди. Жаббор оқсоқолнинг ўзи ҳам ҳайиқадиган судья олдида чўқ этмасди. Бахти қаро узоқ йилларни юраклари худди ковуш чарми каби қаттиқ бўлиб кетган бадбашара солдатлар қўриқлаб турган қоронғи, зах қамоқхонада ўтказган бўларди. Бечора Жаббор куну тун Фотимага уйланиш ҳақида эмас, балки сув олиб келиш ва тиниқ булоқ сувини эрига ичириш учун кўза кўтариб уйидан чиққан Фотимага лоақал бир кўз қирини ташлаш ҳақида ўйларди.

Жаббор ҳар томонлама ўзини ўраб олган худди тепадек баланд кўкрак,.. ҳар кўкракда атиргул... бир қаватли икки хонали уй... зах ва қоронғи қамоқхона, қуролланган соқчи солдатлар ва қишлоқ оқсоқоли... Товуқларнинг тунлари тўсатдан уйғотиб юборадиган жанжаллари, сенинг гавданг бошқа бир гавдани қўмсаши... албатта темир кроват, тахтадан бўлса кўнгиз емиради... шарпалар ҳамда расмлардан уйғониб кетди. Уруғ шайхи ҳақли, албатта. Жаббор ичламаса зоғора нон ва эски сутини қаердан олади. Амакиси Абу ар-Расул учун ибодатхонадан ўғирланган гўнгни ташишга туя керак. Фотима ер юзидаги энг гўзал қиз. Лекин, мақолда айтилганидек, эсинг борида этагингни ёп. Лаққа балиқ тутишга ҳам ишонч йўқ. Уйга қайтиш ҳам мумкин эмас, оч чиябўрилар сўқмоқ йўл бўйида писиб ётишгандир. Жаббор тонг отгунча ҳаёл сурди, шалоплаб турган сув ёнида ухлаб, бўлармиди. У нима қилиши кераклиги ҳақида ўйлади.

Эрта тонгда барвақт лўлилар манзилига бораги, кўш пальма дарахти остидаги капага кираверишда ўтирган кекса лўли хотин ўзининг моҳир қўллари билан елкасидан сал пастроққа, юраги устига нина санчиб-санчиб доира ясайди, унинг ичига эса қиз юзли туя расмини солади.

Русчадан М. МИРҲАМИДОВ таржимаси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

УЗОҚ ЯҚИН БЎЛЯПТИ

ЯҚИНДА Коммунистик районидаги «Правда» колхозида диспетчерлик пункти ишга тушди. У хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, бригада бошлиқларининг узоғини яқин қиляпти, ишлаб чиқаришга оператив раҳбарлик қилишни таъминламоқда.

Бу ерда колхознинг марказий диспетчерлик пункти билан барча бригадалар, чорвачилик фермалари, машина трактор парки, ремонт устахонаси ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари билан алоқа ўрнатилган. Диспетчерлик хизматининг ишга туширилиши натижасида кузги-қишки ишлар комплексини бажаришда катта қулайликлар туғилди. Жумладан, ишчи кучи ва техника воситаларини ишга жалб этиш яхшиланганлиги туфайли суғориш шахобчаларини тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш жадал суръатларда олиб бориляпти. Тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти намунали ташкил этилган.

«ОЛИМПИАДА-80» БЕЛГИСИ БИЛАН

ТОШКЕНТДАГИ «Сувенир» фабрикасида «Олимпиада-80» рамзий белгиси туширилган совга буюмларни ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Ўтган йили савдо тармоқларига ана шундай 17 турдаги 2 мингта совга буюмлари етказиб берилди. Булар орасида чинни, суяк ва ёғочдан ишланган турли вазалар, олимпия айиқчаси, идишлар айниқса, харидорларга манзур бўлмоқда.

Москвада ўказиладиган ёзги олимпиада ўйинлари йилида корхонада ана шундай белги билан яна беш турдаги кўплаб совга буюмлари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Коллектив «Олимпиада-80» белгиси билан янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

КИТОБ ИХЛОСМАНДЛАРИГА

ХАЛҚАРО болалар йилида область болалар кутубхонасида қизиқарли тадбирлар амалга оширилди. Ёш китоб ихлосмандларида, айниқса, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» асари юзасидан ўтказилган китобхонлар конференцияси катта таассурот қолдирди. Бу конференцияга «Кичик ер» жанглари қатнашчилари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари ташриф буюрдилар.

Область болалар кутубхонаси районлардаги кичкинтойлар эиё масканларига ҳар тарафлама амалий ва методик ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Кутубхонанинг тажрибали ходимлари район кутубхоналарида бўлиб, китоб кўргазмалари, турли стендлар ташкил қилиб конференциялар ўтказмоқда. Жумладан, Пискент, Бўка, Бўстонлиқ, Чиноз район кутубхоналари коллективларига катта ёрдам кўрсатиляпти. Пойтахтдаги 213, 215, 218-мактабларда эса янги китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Ҳозир областимизда 1 миллион 800 минг китоб фондига эга бўлган 39 та болалар кутубхонаси ишлаб турибди.

Зиё масканларида ўқувчиларнинг қишки каникул кунларида ёш китоб ихлосмандларига намунали хизмат кўрсатиляпти.

М. ЗАРИПОВ.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ ОҚИН

ҚИРҒИЗИСТОНДА тўққиз ёшлик оқин Тўламиш Океевнинг довруғи кенг тарқалиб кетди.

Бу боланинг хотираси шунчалик кучлики, у қадимги қирғиз достони «Манас»ни ёддан биларди («Манас» достони Гомер «Илиада» ва «Одиссея» достонлари умумий ҳажмидан йигирма марта кўпдир). Тўламиш ўқишни билмасдан аввал «Манас»нинг айрим бобларини ёдда сақлаб қолган эди. Етти ёшидан бошлаб эса у оқинлар конкурсларида қатнашди ҳамда машҳур манасчиларни доғда қолдирди. Энг сўнгги республика оқинлар ғолиблиги ва иккинчи ўрни олди.

Яқинда Пржевальск шаҳри яқиндаги Маркс номли колхоз кўрғонида юзлаб кишилар тўпланди. Улар ўз ҳамқишлоқлари Тўламишнинг овозини эшитиш учун бу ерга келишди. Қадимий одат бўйича энг кекса, обрўли оқсоқоллар ёш оқинни тепаликка олиб чиқиб, оқ нематт устига ўтказиб қўйишди. Ёш оқин йиғилганларни табриклаб, бир неча соат давомида баҳодир Манас, унинг ўғли ва неварасининг қаҳрамонликлари тўғрисидаги достонидан парчаларни айтиб берди.

Тўламиш Океевнинг бундай ҳайратомуз намунаси тенгдошларининг ҳам ҳавасини келтирди. Ҳозирги вақтда ўн мингдан ортиқ бола Иссиқкўл области мактабларида «Манас»ни ўрганиб, ёш оқинларнинг ижодий айтишувларида иштирок этмоқдалар.

Спорт

ОЛИМПИАДА ИЙЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ешлар ўртасида хоккей бўйича Хельсинкида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Финляндия пойтахтидан хушхабар келди. СССР терма командаси тўртинчи марта қаторасига чемпионлик унвонини қўлга киритиб, олтин медаль эгаси бўлди. Хоккейчиларимиз олимпиада йилида халқаро мусобақаларда биринчи бўлиб чемпионлик унвонини қўлга киритдилар. Мусобақанинг охирги кунида терма командамиз 2:1 ҳисобида Швеция хоккейчиларини енгиб, чемпион бўлишди. Майдон эгалари Финляндия хоккейчилари иккинчи, Швеция командаси учинчи бўлди.

Финляндияда ниҳоясига етган жаҳон чемпионатида ўринлар қуйидагича тақсимланди.

Командалар	У	Ш	О
СССР	3	10—4	6
Финляндия	3	8—6	4
Швеция	3	13—9	2
ЧССР	3	8—20	0

ОЛИМПИАДАНИ ҮИЛАБ

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи сузувчилари мамлакат Қуролли Кучлари чемпионатида иштирок этиб, умумкоманда ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди. Республикамиз вакиллари ўтган мавсум ана шундай мусобақаларда олтинчи ўринни олган эдилар. Москва олимпиадасини кўзлаб иш кўраётган спортчиларимиз бу сафар ўз шахсий натижаларини анча яхшилашга муваффақ бўлдилар. 200 метрга брасс усулида сузишда А. Румянцев билан Н. Комарова учинчи ўринни эгаллаб, бронза совриндори бўлди. А. Румянцев ўтган ой Тошкентда В. Митрофанов хотира совринни учун ўтказилган мусобақада кўрсатган натижасини 3 секундга яхшилашга муваффақ бўлди. С. Пустовалов баттерфляй усулида сузишда қатнашиб, кумуш медаль эгаси бўлди. 200 метрга чалқанча усулда сузишда О. Висотский ҳам кумуш совриндор бўлди.

Республикамиз вакиллари ўртасида М. Ларюхина эришган натижалар айниқса салмоқли бўлди. У бир йўла программанинг беш турида қатнашиб, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритди.

Команда ҳисобида Москва шаҳар ҳарбий округи сузувчилари биринчи бўлишди. Ленинградлик армиячилар иккинчи, киевликлар учинчи бўлдилар. Туркистон ҳарбий округи сузувчилари 4047 очко тўплаб, тўртинчи бўлишди.

* * *

Бу йил қиш анча иссиқ келган бўлса-да, Чимён боғирлари аввалги йилларгидек, қор билан қопланган. Шанба ва якшанба кунлари «Чимён» дам олувчилар билан гавжум бўляпти. Суратларда: (чапда) осма йўл, (ўнгда) шаҳардан келган бир группа дам олувчилар.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).



РУХСАТНОМАСИЗ... ОВГА

«Далварзин» овчилик хўжалиги чегараси томон оҳистагина «Ўраль» мотоцикли бормоқда. Ҳайдовчининг кўзи олазарак. Тез-тез теварак атрофга қарайди. Ҳайдовчи атрофда ҳеч ким йўқлигига қатъий ишонч ҳосил қилгач, мотоцикль аравачасидан ов милтиғини олди-да, уни яқиндагина ҳосилдан бўшаган шолизорга қаратди.

Бу ерлар ботқоқли бўлганлигидан ёввойи ўрдаклар кўплаб ин қўйишган. Ҳар оқшом улар гала-гала бўлиб шолизор устидан учишади. Мотоцикл ҳайдовчиси эса ана шундай қулай фурсатни пойлаб, ўлжасининг йўлини кутар эди. Ҳали у милтиғидан ўқ узиб улгурмаган ҳам эдики, қаршисида давлат овчилиқ назоратининг жамоатчи инспектори Ю. Шутов пайдо бўлди.

Инспектор овчидан рўхсатнома ва ов милтиғининг ҳужжатларини талаб қилди. Лекин, О4—58 ТШД мотоциклининг ҳайдовчиси ёнида шоферлик гувоҳномасидан бўлак ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Сохта «овчи»нинг фамилияси Т. Умаров эканлиги маълум бўлди.

Браконьерда овчилик билети ҳамда овга рухсатнома бўлмаганлиги учун унинг қуроли мусодара қилинди. Энди у ов қилиш қоидасини қўпол равишда бузганлиги учун жарима ҳам тўлайди.

М. МАҲМУТОВ, Давлат ов назоратининг жамоатчи инспектори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА, 6 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«Октябрь 40 йиллиги» фестивали ва Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати

«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

Хонандалар: Ғуломжон ЕҚУБОВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА ва Уткир СИДДИҚОВ.

РАҚҚОСАЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЕЗОВА.

Назриддин ШЕРМАТОВ, Раҳмон АБДУЛЛАЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исмат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.05 — 1905 йил рус ва совет рассомларининг асарларида. 11.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.00 — «Мўлика ва акс-садо». Фильм-спектакль премьераси. 12.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.15 — Сайловдан—сайловгача. 13.30 — Спортлото. 13.45 — «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.20 — «Етти шамол тўдаси». Спектакль премьераси. 17.00— Қуёш омборхонаси. 18.00 — Мультфильмлар программаси. 18.25 — Ҳамдўстлик. 18.55 — Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 — Время. 22.00 — «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Мадраҳимова билан Т. Мадаминов концерти. 10.50 — Шахмат мактаби. 11.20 — «Ғўғирчоқ» фильм. 12.15 — Юлдузча. 12.55 — «Тўнғич». Бадиий фильм. 14.10 — Колхоз қурилишининг 50 йиллигига. 18.20 — Ўрмон газетаси. 19.00 — Болалар учун концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Операнинг ёш солистлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.00 — Зафар муборак тожикистонлик дўстлар. Кўрсатув тугагач, кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/I да Майсаранинг иши (12.00), Уйқудаги гўзал (19.00), 6/I да Уйқудаги гўзал (12.00), Севилия сартароши (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/I да Келинлар қўзғолони (11.00), Томоша давом этади (15.00), 6/I да Истеҳком (11.00), Томоша давом этади (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/I да Чоллар ва кампирлар, 6/I да Олтин намар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги йил эртак цирк томошалари (10.00, 13.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01709. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1516.